ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИНИНГ КОГНИТИВ АСОСЛАРИ

Ҳожиев Расулбек Бойназар ўғли
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Дилноза Орзиқуловна Норбоева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши
2-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшларнинг ижтимоий борлиқда тутган ўрни, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ёшларнинг ҳаётида интеллектуал салоҳиятнинг аҳамияти ҳамда уни ривожлантириш омиллари, мамлакатимиз ёшларининг билим олишга бўлган қизиқишлари ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Антропомаксималогия, ижтимоий борлиқ, интеллект, интеллектуал салоҳият, когнитив, тарбия, ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати.

COGNITIVE FUNDAMENTALS OF YOUTH SOCIAL LIFE

Rasulbek Boynazar ogli Hojiyev
Teacher of the Department of Social Sciences
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Dilnoza Orzikulovna Norboyeva
Second year student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article analyzes the role of youth in social life, the attention paid to youth in our country, the importance of intellectual potential in the lives of young people and the factors of its development, the interest of young people in education.

Keywords: Anthropomaximalology, social existence, intellect, intellectual potential, cognitive, upbringing, youth, state policy on youth.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

КИРИШ

Жаҳонда XX аср охири XXI аср бошларида кечган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий жараёнлар ёшларни маънавий-мафкуравий таъсир объектига, инсон руҳи ва онги учун олиб борилаётган курашнинг энг аҳамиятли нуқтасига айлантирди. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий мафкуравий манфаатларга эга бўлган субъектларнинг ёшлар руҳияти ва дунёқарашини ўз мақсадларига мувофиқ равишда ўзгартиришга, уни когнитив асосларини шакллантиришга йигит ва қизларга турли иқтисодий фаолият норма ва принципларини, сиёсий ғоя ва нуқтаи-назарларни, ижтимоий позицияларни, маънавий-мафкуравий қадриятларни сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари тенденциявий тус олмоқда. Шу муносабат билан ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асосларининг ўзига хос хусусиятлари, сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ёшларининг дунёқараши, заковати билими, ақлий жиҳатдан етуклик даражаси маънавий таъсир объектига айланиб бормоқда. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”.[1] Шу боисдан ёшлар дунёқарашини когнитив фаолиятини маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласи умумжамият аҳамиятига молик вазифа сифатида талқин қилинмоқда, бу борадаги ишлар маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида йўналишига айлантирилган. Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик ёшлар онги ва дунёқарашини ҳимоялашнинг янги ва янада самарали йўлларини излаб топишни тақозо қилмоқда. Мазкур ижтимоий вазифани бажариш учун ёшлар дунёқарашини шакллантириш уларни ақлий фаолиятини янада ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш бугунги кун долзарблигини белгилайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯ

Когнитив тушунчаси интеллектуал категорияси билан ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, ҳар иккаласи ҳам пировардида илмий билишни назарда тутади. Интеллектуал атамасининг этимологик асоси лотин тили бўлиб, ўзбек тилига рус тилидан кириб келган. Бу сўзнинг ўзаги интеллект сўзидир. Интеллект сўзи ўзбек тилига таржима қилинганда «ақл, идрок, заковат; ақлий жиҳатдан етуклик», – маъноларини билдиради. Замонавий ижтимоий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларда жамиятнинг интеллектуал салоҳияти дейилганда аксарият ҳолларда зиёлилар тушунилади.[2]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

Фикримизча, бу атамани жамиятга нисбатан қўллаганимизда фақат ақлий меҳнат билан банд ижтимоий қатлам - зиёлилар ва уларнинг қобилияти билан чекланиб қола олмаймиз. Жамиятнинг ёки мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятига фақат зиёлилар, маълумоти даражаси, ижодкорлик қобилияти киритилса, бир томонлама ёндашув бўлиб қолади. Чунки, тадқиқотчи Х.Жуманиёзовнинг фикрига қўшиладиган бўлсак, салоҳият тушунчаси жамиятнинг «фаолиятларини таъминловчи манбалар, захиралар йиғиндисини» ҳам билдиради. Айнан интеллектуал салоҳиятни оширишда яратилган илмий билимлар, таълим тизими унга хизмат қилувчи техник воситалар, видео, аудио, компютер дастурлари ҳам хизмат қилади. Уларни кимлардир яратган бўлса-да, бундай техник воситалар ақлий меҳнатга ёрдам бермоқда. Ҳатто ўқитиш борасида ўқитувчисиз ёки масофавий ўқитиш дастурлари пайдо бўлди. Интеллектуал салоҳиятни кенг ва тор маънода қараш мақсадга мувофиқдир. Тор маънода шахсга дахлдор бўлган жиҳатлари тушунилади. Кенг маънода жамият, халқ миллатга дахлдор жиҳатлари назарда тутилади. Мавзумиздан келиб чиққан ҳолда фикр юритганимизда жамият интеллектуал салоҳияти, бизнингча, зиёлилар ижтимоий қатламидан анча кенг маънони билдиради, яъни унинг таркибий қисмларига зиёлилар ва улар яратган илмий билимлар, бу билимларни жамиятга сингдириш усуллари, воситалари, шунингдек, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишда фаол иштирок этаётган мутахассис кадрлар ҳам киради. Бизнингча, жамиятнинг интеллектуал салоҳияти тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Интеллектуал салоҳият кенг маънода жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланишига хизмат қилувчи, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ижтимоий гуруҳлар, уларнинг билим даражаси, ақлий қобилияти, тўпланган илмий билимлар, кашфиётлар, тўпланган билимларни ишлаб чиқаришга ва ижтимоий ҳаётга етказиш воситалари ҳамда имкониятларини белгиловчи маънавий, маърифий ва амалий куч-қувватдир.

Бу таърифга кўра жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини қуйидаги таркибий кисмларга бўлиш мумкин:

1. Зиёлилар, уларнинг билим даражаси, ақлий қобилиятлари, тафаккури ҳамда уларнинг миқдори.
2. Тарихий ривожланиш жараёнида мамлакатнинг ўзида яратилган ёки бошқа халқлардан ўзлаштирилган илмий билимлар, кашфиётлар.
3. Мавжуд таълим тизими ва унинг моддий-техник базаси, ўқитиш, ўргатиш воситалари ва усуллари.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

4. Илмий тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланувчи муассасалар ва уларнинг моддий-техник базаси.

5. Илмий, техникавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий билимларни, ахборотларни жамиятга етказиб бериш воситалари ва усуллари (илмий адабиётлар ва журналлар, газеталар, интернет алоқалари) киради.

Абдулла Авлоний нажот илм-у урфонда эканлигини, маърифатли халқ шижоатли бўлиши, маорифдан, маданиятдан бебаҳра бўлган халқ басир ва сўқир бўлиб, жаҳолат панжалари орасида хамир каби эзилиши муқаррарлигини кўрсатиб шундай деган эди: «Илм дунёнинг иззати…Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айируб берур. Тўғри йўлга рахнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур... Илмнинг фойдаси у қадар кўпдирки, таъриф қилғон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қоронғулигидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ илмлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғликдур»[3].

Дарҳақиқат, илм-маърифат кўнгил кўзини очади, қоронғуликни зиё нури билан ёритади. Инсон илм ёрдами билан улуғлар даражасига етади. Илм-маърифат одамларнинг ҳеч адо бўлмайдиган бойлигидир. Инсон ўз ҳулқи, миллати, давлати ва жамияти олди-даги бурчи ва масъулиятини илм-маърифат туфайли чуқур ҳис қилади ва билиб олади. Дунёда илмга тенг келадиган бойлик йўқ. Абу Райҳон Беруний илм ҳар бир нарсадан юқори, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмайди, эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир, деган эди.[4]

Шунинг билан бир қаторда, миллий тараққиётимизнинг янги босқичида кадрлар сиёсатидаги қатор вазифаларнинг бири сифатида интеллектуал салоҳиятнинг ядросини ташкил қилувчи замон талабига жавоб бераоладиган кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш зарурлигини илмий асослашни ҳам тақазо қилади.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонла бўлиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”,- деб таъкидлайди. [5]

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизнинг барча соҳалардаги интеллектуал салоҳиятини янгича дунёқараш билан ўзгартириб, ёшларимиз ижтимоий фаоллигини оширишга олиб келди. Бу жараёнда халқимизнинг маънавий хотираси қайта тикланди, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги замон билан ҳамнафас бўлиб, маънавий ҳаётнинг турли-туман жабҳаларида фалсафий омиллари намоён бўла бошлади.

Бундай шароитда ёшлардаги ижтимоий фаолликка қаратилган ташаббус ва ғайрат, сабр-тоқат ва матонат, шижоат ва ижодкорлик туйғуларини қўллаб-қувватлаш, янги миллий компонентларини ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Юртимизда узоқ йиллар давомида қарор топиб келган ва шаклланган ахлоқий тасаввурлар, маънавий кўникмаларни ёшлар руҳиятида тиклаш ва янги замон талаблари асосида ривожлантириш катта ижтимоий муаммога айланди. Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарор ва фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Юртимизда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни (2016 йил 14 сентябрь), 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши ёшларимизнинг ижтимоий фаол қатламга айланишига хизмат қилди. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар негизида ёшлар ва уларнинг ижтимоий фаоллигига қаратилган фалсафий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

омиллар акс этди. Бунинг учун “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва унда ёшлар масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Президентимизнинг бу концептуал ғояси қанчалик тўғри ва улкан назарий, методологик аҳамият касб этганини ижтимоий ҳаёт тажрибаси исбот қилмоқда.

Фуқаролик жамияти бевосита одамларда, ёшларда ҳаётга, ўз касби ва машғулот турларига янгича ижтимоий муносабатнинг шаклланиб бораётганидан, ижтимоий фаоллигида янгича ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак беради. Ёшларда ўз меҳнат фаолияти, тури ва машғулот йўналишида ижтимоий фаоллик бўлмаса, тафаккур қонунлари асосида ҳаётга муносабат бўлмаса уларнинг ҳатти-ҳаракатларида умидворлик, самарадорлик ва шукрона меҳнат жараёни содир бўлмайди.

Мамлакатнинг ижтимоий соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган тадбир ва чораларнинг барчаси халқимиз ва ёшларимиз ҳаётини, келажагини гўзаллаштириш, маънавий юксалтириш, ахлоқий тафаккури, дунёқараши ва онги юксак бўлган шахсларни вояга етказишга қаратилган.

Шу тарзда мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишида Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳам ёшлар ижтимоий фаоллигини юксак инсонийлик туйғулари асосида камол топтириш, жаҳон тажрибаси билан танишиш кабилар шакллана бошлади. Шу боис жамият тараққиёти ва ёш авлод ижтимоий фаоллигини ошириш, дунёқараши, маънавияти, ахлоқий тафаккурини вайронкор ғоялар таъсиридан сақлаб қолиш муҳим ижтимоий вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар бир миллатнинг маънавий дунёси, ахлоқий ўгитлари, ҳуқуқий маданияти, фалсафий мероси, сиёсий менталитети ва бой анаъаналарга узвийлашган ижтимоий фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Булар, ўз навбатида, ижтимоий муҳитнинг тарихийлиги ва ҳаққонийлигини сақлаб қолишга, жамиятда ёшларни ўз «мен»ига эга бўлишга чорлайди.

Мамлакатимизда ҳар томонлама ривожланган, юксак ахлоқий маданиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятининг мақсадидир. Шу боисдан “ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”[6].

Бу борада жаҳон билан ҳамнафас бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш йўлида илдам қадам ташлаётган Ўзбекистон ўзининг тарихи ва ўтмиш фалсафий меросига асосланиб, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

ошириш жараёнида уларни замонавий фан-техника ютуқлари билан бойитиб, барча соҳалардаги ислоҳотларда миллий ўзлигини англаган комил инсонни камол топтиришга интилмоқда.

Кадрлар жамият тараққиётида кенг қамровли омил ҳисобланиб, интеллектуал салоҳият тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Чунки кадрлар ўз салоҳияти билан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқарувни рационал ривожлантиришда асосий куч ҳисобланади. Улар мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларига янги техника, технология ва кашфиётларни жорий этишда ҳал қилувчи ҳалқадир. Кадрлар халқимизнинг яратувчанлик фаолиятини жадаллаштириб, мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтиради. Шунинг учун давлатимиз мустақилликка эришган кунлариданоқ интеллектуал салоҳиятни оширишнинг муҳим қисми бўлган кадрлар тайёрлаш сиёсатига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Айниқса, унинг негизи бўлган таълим тизимини ислоҳ қилиш стратегик вазифа сифатида белгиланиши ва унинг амалга оширилаётганлиги тараққиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда замонавий илмлардан бири сифатида қаралётган фаннинг антропомаксималогия тармоғи ёшлар ижтимоий ва когнитив ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Антропомаксималогия - инсон заҳиралари салоҳиятини, уларни намоён этиш ва улардан фойдаланишнинг қонуниятларини ўрганадиган фандир. Антропомаксимология спорт педагогика, тиббиёт, физиология, биокимё, психология ва биомеханика бирикмаларида пайдо бўлди. Антропомаксимологиянинг фойдали жиҳати шундаки инсон ўзининг ичидаги фойдаланмасдан келаётган ва балки ҳеч қачон фойдалана олмайдиган имкониятларидан фойдалана олиш қобилиятини қўлга киритади. Фикримизнинг исботи сифатида бир мисолга эътиборимизни қарацак. Рус олими В.Кузнецов спортчилар орасида тадқиқот ўтказади. У тадқиқотда иштирок этган респондентларни “келажак донорлари” деб атайди. В.Кузнецов 1980-йилги Олимпиада ўйинларига эркин курашчиларни тайёрлаш жараёнида айнан мана шу методни қўллайди ва катта жамоа катта натижага эришади. У буни спортчиларнинг темпераментидан келиб чиққан ҳолда уларни мақсадга йўналтиради ва бутун диққат эътиборини шунга қаратиши кераклигини турли усул ва воситалар орқали уқтиради. Спортчиларга қўйилган юкламани тажриба охиригача 10 баробаргача оширади. Натижада улар олдингидан ёшроқ ва кучлироқ кўринишади. Демак, инсон ўз олдига мақсад қўйса ва унинг томон интилса, албатта, эришиш мумкинлигини бугун фаннинг ўзи ҳам яна бир бор исботламоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда ёшлар когнитив жиҳатдан анча илғор десак адашмаган бўламиз. Чунки биз яшаётган XXI асрда ахборот технологиялари анча ривожланган. Ёшларнинг илм олишга, китоб ўқишга бўлган қизиқишлари анча ортган. Буни “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5106-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ва ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар” мавзусида Республикамиз барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилган социологик сўровнома ҳам яна бир бор исботлайди. Сўровномада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жами 1100 нафар респондент иштирок этган. Шулардан шаҳар аҳолиси – 559 киши (50.8%) ва қишлоқ аҳолиси -541 киши (49.2%), еркаклар - 556 киши (50.5%), хотин-қизлар – 544 киши (49.5%)ни, ёш тузилмаси жиҳатидан 14-15 ёш -11.3%, 16-17 ёш-12.9%, 18-19 ёш -1308%, 20-24 ёш -31.9%, 25-29 ёш -30.1%ни, маълумот даражаси бўйича тўлиқсиз ўрта 25.6%, ўрта -11.5%, ўрта махсус 53.8%, тўлиқсиз олий -3.4%, олий -5.7%ни ва қамрови жиҳатидан ишловчи ёшлар -30.5% мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари – 34.6%, ОЎЮлари талабалари -13.7%, бола парвариши бўйича таътилдагилар -3.8%, уй бекалари -9.0%, ишламайдиганлар -80,3%, ногиронлиги бўлган шахслар -0.1%ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг репрезентативлиги (ишончлилиги) ҳудудий белги ва ижтимоий-демографик тузилма бўйича, яни Ўзбекистон ва сўров ўтказилган минтақалар ёшларнинг яшаш жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти, бандлиги ва бошқа ижтимоий – демографик тавсифлари ҳисобига олинган ҳолда респондентларни икки босқичли саралаш орқали таъминланган. Сўровнома бир нечта йўналишлар бўйича ўтказилган бўлиб, биз учун муҳим бўлган йўналиш ёшлар ва таълим йўналишидир.

Таълим соҳасида ёшларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш ёшларнинг маълумот даражасини, унинг енг жозибадор турларини, ёшларнинг ҳаёт йўлини танлашдаги интилишларини, респондентларнинг ўз тил ва ахборот тайёргарлигига ўзлари берган баҳони аниқлашга имкон беради. Сўровда 53.8% ўрта махсус, 11.5% ўрта, 25.6% тўлиқсиз ўрта, 5.7% олий ва 3.4%и тўлиқсиз олий маълумотга эга респондентлар иштирок этишган. Тадқиқот мамлакат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

ёшларида, энг аввало, ўз билим даражасини ошириш йўлидаги интилишнинг ўсиш тенденсиясини аниқлади. Чунончи, ёш ўзбекистонликлар истиқболда ўз билимини оширишга ўзида эҳтиёж борлигини кўрсатишган. (1-жадвал)

“Сиз келажакда маълумотингизни оширишни хоҳлайсизми?” деган саволга жавобларнинг тақсимланиши, %

	2015	2016	2017	2018
Ҳа, хоҳлайман	57,3	57,8	62,7	65,6
Йўқ, хоҳламайман	29,6	30,8	26,6	24,9
Жавоб беришга қийналаман	13,1	11,4	10,7	9,5

Шахар ёшлари ўртасида ўз таьлимот даражасини ошириш истаги кўрсаткичлари ўсди (68,5%, 2017 йилда 66,9%). Ушбу кўрсаткичнинг қишлоқ аҳолиси ўртасида аста-секин пасайиши кузатилган (2016 йилда 59.1%, 2017йилда 58.8%, 2018 йилда 62.5%).

Ёш кесимида ўз билимини ошириш истаги 14-19 ёшли, 18-19 ёшли респондентларга 25-29 ёшлардан кўра кўпроқ хосдир (тегишлича 92.1%, 81.6% ва 51.6%). Бошқача сўзлар билан айтганда, ёш катталашган сари маълумот олиш истаги камайиб боради. Таъкидлаш керакки 2017 йил билан қиёслаганда мактаб, лицей, коллеж ўкувчилари (2017 йилда -91.8%, 2018 йилда -89.5%) ва ОЎЮлари талабалари ўртасида (2017 йилда -81.8%, 2018 йилда -67.0%) ўз маълумоти даражасини оширишни хоҳловчилар ишлаётган ёш респондентларга нисбатан камайган (2017 йилда -44.7%, 2018 йилда -54.1%).

Респондентларнинг оилавий мақоми ўз маълумотини ошириш истагига таъсир кўрсатади. Ўз маълумотини оширишни хоҳлайдиган респондентлар ўртасида бўйдоқлар ва турмуш қурмаганлар сони уйланганлар ва турмуш қурганлар сонидан қарийиб 2 марта кўпдир (тегишлича 77.1% ва 42.8%).

Ўтказилган сўров маниторинг тадқиқотлари режимида аниқланган мамлакат ёшлари ўртасида олий маьлкмот ижтимоий қийматининг ўсиш тенденциясига қарамасдан 2017 йилдаги сўров билан қиёслаганда бакалавриат ва магистратура даражасида таьлим олишни хоҳловчилар сони 2017 йилдаги 76.5% ва 2018 йилдаги 20.5%дан тегишлича 69.8%ва 14.3%гача камайганлигини кўрсатди.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, сўралган ёшларнинг 66.3%и мактабни битиргандан кейин касб-ҳунар коллежига кириш, чорак қисмидан кўпроғи (26.6%) академик лицейда ўкишни давом эттириш истагини билдирди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

Эътиборлиси, 18-19 ёшлиларнинг мутлақ кўпчилиги касб-хунар коллежида ўқишни хоҳлайди.

Олий маълумотни олишни истайдиган ва яқин йилларда ўзининг олий ўқув юртларига кириш ниятини билдиргин респондентлар сони 2016-2017 йиллардаги сўров натижалари билан қиёслаганда бироз камайган (2016 йилда 77.7% , 2017 йилда 89%, 2018 йилда 80.4%). Қорақалпоғистон Республикаси (58.8%) ва Сирдарё (66.6%) вилоятидаги респондентлар ўртасида ушбу кўрсаткичнинг умумий ўртача кўрсаткичданпастлиги аниқланган. Ёш ўзбекистонликлар олий таьлим тизимида эгаллашни истаган энг жалб қилувчи касблар ўртасида аввалгидек биринчи ўринни фан, педагогика мутахассисликлари (52.1%) , бизнес, хизматлар ва ишлаб чиқариш (22.0%), тиббий мутахассисликлар (8.6%) эгаллайди, сўралганларнинг 3.7%и харбий ва спорт мутахассисликларини эгаллашга мойилдир. Сўралганларнинг 3.4%и маданият соҳасида олий маълумот олишни истайди. Ёшларнинг 1.4%и ўзини фермерликка ва қишлоқ хўжалигига бағишлашга тайёрдир. Сўралганларнинг 2.9%и касб танлашдаги устуворликлври ҳақидаги саволга аниқ жавоб бера олмаганлар.

Ёшларда техник мутахассисликлар бўйича маълумот етарли эмаслиги аниқланганлигини таькидлаш жоиз, бу ёшлар ўртасида техник маълумот олишга касбий йўналтиришни кучайтириш муоммосини кун тартибига қўяди.

Шундай қилиб, тадқиқот мамлакат ёшларида ўз маълумот даражасини ва олий маълумотнинг ижтимоий қийматини оширишга кучли мотивациянинг сақланиб қолаётганлиги тенденцияни кўрсатди. Аммо олдинги сўровларга қиёслаганда ОЎЮига кириш учун ёшлар томонидан олинган билимларнинг етарлича эканлигига уларнинг ўз ишончи камаймоқда. Чунончи, сўралганларнинг яримидан кўпи (54.4%) ўзларида бундай билимлар етарли эмас, деб ҳисоблайдилар (2-расм). Наманган *(92.9%),* Навоий (71.4%) ва Андижон (70.4%) вилоятларида бундайларнинг сони мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан юкори эканлиги аникланган.

Юқорида келтитилган фикрлар ва ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари ўз илмий салоҳиятини, замонавий ва янги билимларни эгаллашга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айнан жамият ривожида мана шу омил муҳим рол ўйнайди.

ХУЛОСА

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ёшлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини юқорида бир қанча мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилдик. Борлиқнинг шакллари ичида ижтимоий борлиқ ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини инобатга оладиган бўлсак, ижтимоий борлиқда ёшларнинг ўрнини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

Биринчидан, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу эса уларнинг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётидаги ўрнини нақадар муҳим эканлигида билишимиз мумкин.

Иккинчидан, сайловларда иштирок этадиган сайловчиларнинг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Ушбу фактор жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Учинчидан, ёшлар интеллектуал жиҳатдан жамиятнинг ўз билимини оширишга чанқоқ бўлган қатламидир. Бу жараёнда уларнинг китобхонликка бўлган қизиқишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017,1-том,. 504-505-бетлар.
2. Султонов Т. Проблеми развития интеллектуалного потенциала независимой Республики Узбекистан (На примере развития научно-педагогических кадров висьшей школи): Дис. ... канд. филос. наук. - Ташкент: 1995. - С. 27
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи», 1992, 34-бет.
4. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. // Халқ сўзи. - Тошкент: 2006, 25 август.
5. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017,1-том, 145-146-бетлар
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2018, 13-бет.
7. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a Harmoniously Developed Generation is a Priority of Democratic Reforms in Uzbekistan // *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, №8(5). 1-3.
8. Хажиев, Р.Б. (2014) Факторы развития общественной активности у студентов и молодѐжи. *Молодой ученый*, №*20*, С. 532.
9. Hojiyev R. B., Adilov Z. Y. (2017) The source of developing intellectual ability. *Молодой ученый*, №*22 (4)*, С. 389-393.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00233

10. Хажиева, М.С., Хажиев, Р. Б. (2015) Роль молодѐжи в реализации социальной активности толерантности. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. №2, 30-32.
11. Khodjiev, R.B. (2015) The Conceptions on Developing Student Youth Social Activity.*Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, *№1-2*, P. 52.
12. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
13. Maksuda Khajieva, Rasulbek Khajiev (2015). The Role of the Tolerance in Society and its Philosophical Interpretation. Young scientist. Vol. 2. P. 159-161.
14. Umid Abdalov, Rasulbek Hadjiyev (2015). The Role of Community in the Development of Society of Citizenship. Young scientist. Vol. 2. P. 107-109.
15. Makhmudova, N.D., Hojiyev R.B. (2014). The scientific inheritance of great ancestors who worked in the mamun Academy. Сборники конференций НИЦ Социосфера. Issue 45, С. 34-35.
16. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Хусайн воиз кошифийнинг гуманистик ғоялари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 148-150.
17. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Толерантлик ва унинг хусусиятлари. Сборники конференций НИЦ Социосфера. С. 39-40.
18. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения крэативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. Academic Research in Educational Sciences, 1(2), 201-204.
19. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. (2018). Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. Молодой учѐный, № 7 (193). 196-199.
20. Атажанова, Р. Р., & Атаева, Н. Р. (2020). Роль изобразительной деятельности во всестороннем развитии дошкольников. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 450-454.
21. Rakhimovna, A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56.